



ЖАЗО ТАЙИНЛАШДА ҲИСОБГА ОЛИНАДИГАН ҲОЛАТЛАР ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МЕЗОНЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

Махмудов Суннатжон Азим ўғли,

Тошкент давлат юридик университети

“Жиноят-процессуал ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси,

s.maxmudov@tsul.uz

Аннотация. Мазкур мақолада жазо тайинлашда жазони енгиллаширувчи ҳолатларнинг ўзига хос ҳусусиятлари ҳамда жазони енгиллаширувчи ҳолатларнинг алоҳида (махсус) қоидалари мавжуд бўлганда уларни ҳисобга олиш масаласи ўрганилган. Жазо тайинлашнинг умумий асослари ҳамда жазо тайинлаш принципларининг жазо тайинлашдаги ўрни ва аҳамияти таҳлил этилган. Шу билан бирга, мазкур мақолада жазони енгиллаширувчи ҳолатларнинг жазо тайинлашдаги амалий аҳамияти айрим жазони енгиллаширувчи ҳолатларни ўрганиш орқали таҳлил қилинган. Шунингдек, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлашнинг ўзига хос ҳусусиятлари, енгилроқ жазо тайинлаш билан ўзаро фарқли ҳамда ўхшаш жиҳатлари, жазо тайинлашда уларни қўллаш билан боғлиқ айрим назарий ва амалий муаммолар ёритилган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жазо тушунчаси, жазо тайинлаш, енгиллаширувчи ва оғирлаширувчи ҳолатлар, жазо тайинлаш принципи, айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш.

ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, УЧИТЫВАЕМЫЕ ПРИ НАЗНАЧЕНИИ НАКАЗАНИЯ, КАК ОДИН ИЗ КРИТЕРИЕВ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ПРЕСТУПНОСТИ

Махмудов Суннатжон Азим угли,
преподаватель кафедры "Уголовно-процессуальное
право" Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. В данной статье рассматриваются особенности смягчающих обстоятельств при назначении наказания и вопрос их учета при наличии специальных (особых) правил смягчающих обстоятельств. Были проанализированы роль, значение общих основ и принципы назначения наказания. Кроме того, в статье проанализировано практическое значение обстоятельств, смягчающих наказание, путем их изучения. Также изучены вопрос о деятельном раскаянии виновного в содеянном, различные и сходные особенности наказания с назначением более мягкого наказания, а также некоторые теоретические и практические проблемы, связанные с применением их при назначении

наказания. Вместе с тем разработаны соответствующие рекомендации и предложения по совершенствованию уголовного законодательства Республики Узбекистан.

Ключевые слова: понятие наказания, назначение наказания, смягчающие и отягчающие обстоятельства, принцип назначения наказания, явка с повинной, чистосердечное раскаяние, активное способствование раскрытию преступления, добровольное возмещение причиненного вреда.

CIRCUMSTANCES CONSIDERED AT AN ASSIGNMENT OF PUNISHMENT AS ONE OF THE CRITERIA FOR CRIME PREVENTION

Maxmudov Sunnatjon Azim ugli,

Lecturer of the Department of Criminal Procedural Law,
Tashkent State University of Law

Abstract. This article examines the features of mitigating circumstances when imposing punishment and the issue of taking them into account in the presence of special rules for mitigating circumstances. The role and importance of the general foundations and principle of sentencing have been analyzed. At the same time, this article analyzes the practical significance of the circumstances mitigating punishment when imposing punishment by studying some of the circumstances mitigating punishment. Moreover, the active remorse of the guilty in the offense, various and similar features of punishment with the assignment of a lighter punishment, as well as some theoretical and practical problems associated with their application in the assignment of punishment have been studied in the article. In addition, relevant recommendations and proposals have been developed to improve the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: the concept of punishment, assignment of punishment, mitigating and aggravating factors, sentencing principle, genuine remorse, sincere repentance, active assistance in the disclosure of a crime, voluntary reparation of the caused harm.

Бугунги кунда жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлар, жумладан, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, уларни қўллаш, жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларни профилактика қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, ушбу мақоланинг долзарблигига тўхталиб ўтамиз.

Биринчидан, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳамда қабул қилинаётган давлат дастурларининг мазмун-моҳияти жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни тадқиқэтишни заруратга айлантирмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 78-бандида жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонунни қўллаш тартибини янада кенгайтириш чораларини кўриш масаласи белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 43-бандида қонунчиликдаги жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга



оид нормаларни қўллаш жараёнида инсон омилини бартараф этиш бўйича жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини қайта кўриб чиқиш белгиланган.

Шунга кўра, юқоридаги давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатмоқда.

Иккинчидан, илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда Жиноят кодексида белгиланган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни янада кенгайтириш ҳам тадқиқот мавзусининг долзарблигини кўрсатиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида ҳам миллий хусусиятлар ва шароитларни, илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни эътиборга олган ҳолда жиноят қонунчилигига хорижий тажрибани имплементация қилиш, жумладан, жазони енгиллаштириш ёки шахсни жиноий жавобгарлик ёхуджазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтириш лозимлиги назарда тутилган. Шунга кўра, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни такомиллаштиришда ривожланган мамлакатлар тажрибаларини тадқиқ этиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур институтни такомиллаштиришнинг янгича методологик асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, замонавий юриспруденция талаблари асосида айрим жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни қайта кўриб чиқиш лозим. Чунки жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг нотўғри талқин этилиши, мантиқан бир-бирини такорловчи енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги уларни қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ҳам туғдирмоқда. Бу эса, жиноятларнинг олдини олишда айрим муаммоларга ҳам сабаб бўлмоқда.

Тўртинчидан, жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган айрим жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ўз хусусиятига кўра баҳоловчи мезон асосида аниқланади. Аммо Жиноят кодексида ёки бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг баҳолаш мезонлари белгилаб қўйилмаган. Бу эса, судлар томонидан жазо тайинлаш вақтида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни етарли даражада баҳолаш имкониятини истисно этади ҳамда қонунни қўллашда хатоликларга олиб келади.

Натижада, шахсга асосизравишаҳукмчиқариш ёхудунганисбатаненгиллаштирувчи ҳолатни ноўрин ҳисобга олиш, шунингдек, жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид нормаларни қўллаш жараёнида инсон омили сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Суд амалиётида жиноят қонунини қўллаш билан боғлиқ камчиликлар ва қонундаги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар билан боғлиқ муаммолар мазкур мавзуни назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш заруратини кўрсатмоқда.

Демак, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар танланган мавзусининг долзарблигини кўрсатиб бермоқда.

Мақоланинг мақсади жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлаш асосларини илмий, амалий жиҳатдан ўрганиш орқали жиноятларнинг олдини олишга кўмаклашиш, уларнинг олдини олиш, жиноят қонунчилиги, жиноят хуқуқи назарияси ва суд амалиётидаги муаммоларни аниқлаш, олиб борилган тадқиқот натижалари ва хорижий давлатлар жиноят қонунчилигининг қиёсий таҳлили

натижаларига асосланган ҳолда илмий, назарий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишида қўлланилган усууларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқот ишида анализ ва синтез, мантиқий ва тизимли, формал-хуқуқий, статистик, қиёсий-хуқуқий, тизимлаштириш каби методлардан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасида жазо тайинлашнинг умумий асослари назарда тутилган бўлиб, суд ҳар бир жиноят иши бўйича жазо тайинлаш вақтида амал қилиши лозим бўлган умумий мезонлар мустаҳкамланган. Суд жазо тайинлаш вақтида юқоридаги моддада белгиланган жазо тайинлашнинг умумий асослари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига, агарда ушбу асослар мавжуд бўлса, уларни ҳисобга олиш масаласига алоҳида эътибор бериши талаб этилади.

Жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлар, албатта, жиноятларни профилактика қилиш ва уларнинг олдини олишда муайян аҳамиятга эга. Чунки жазо тайинлашдан мақсад ҳам маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш ҳисобланади. Шу билан бирга, айборнинг шахсини тавсифловчи ҳолатлар ҳам жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлардан бири ҳисоблади.

Айборнинг шахси жиноят содир этган шахснинг руҳий ва биологик хусусиятларини, шунингдек, унинг ижтимоий моҳиятини қамраб оладиган тушунча ҳисобланади.

Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айборнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиши пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт.

Объектив омилларга, хусусан, айборнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга – судланганлиги, оиласидаги, жамиятдаги хулқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к.лар киради.

Жазо тайинлашда айборнинг шахсини эътиборга олиш қўйидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида олиб борилади [1, Б. 387]:

1) жисмоний – судланувчининг ёши ва жинси, унинг меҳнатга лаёқатлилиги, ногиронлиги, соғлиғи (аёлларнинг ҳомиладорлиги);

2) ижтимоий-демографик – судланувчининг мансаби, касби, меҳнатга муносабати, маълумоти, давлат мукофотларига эга эканлиги, кундалик турмуш тарзи, оила аъзоларига, қариндошларига бўлган муносабати, жамоат тартибига риоя қилиши, маънавий ахлоқи, қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз шахслар борлиги ва бошқалар. Бундан ташқари, судланувчининг яшаган ижтимоий муҳити, унинг моддий аҳволи, ғайриижтимоий хулқ-атвори шаклланишига сабаб бўлган шароитларни аниқлаш лозим;

3) жиноят-хуқуқий – илгари содир қилган жинояти учун судланганлиги оқибатида ўта хавфли рецидивист деб тан олинганлиги;

4) криминологик – шахснинг жамиятга қарши ҳаракатлар содир этишга мойиллиги, илгари озодликдан маҳрум қилинганлиги, илгари ижтимоий хавфли жиноят содир этганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги ёки жавобгарликдан озод этилганлиги, бунда шуни эсда тутиш лозимки, ушбу ҳолатлар айборнинг шахсини таҳлил этиш пайтида эътиборга олиниши мумкин, лекин улар содир этган ҳаракатнинг жиноий эканлигини йўққа чиқарувчи ҳолатлар сифатида қаралмаслиги шарт.



Жиноят-хуқуқий ва криминологик маълумотларни инобатга олишда, шахс илгари содир этган жинояти учун судланганликнинг олиб ташланганлиги ёки тугатилганлиги ёхуд шахс муқаддам содир этган жинойи хатти-ҳаракати учун қонунда жавобгарлик бекор қилинган бўлса, суд томонидан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эмас, балки айборнинг шахсини таҳлил қилишда инобатга олиниши мумкинлигини эътиборга олиш лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, судланувчи томонидан ўзининг суриштирув ва дастлабки терговда берган кўрсатмаларини ўзгартирган тақдирда суд унинг бу ва бошқа кўрсатувларини батафсил текшириши ва уларга иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан биргаликда баҳо бериши лозим. Судланувчининг кўрсатма беришдан бош тортиши унга нисбатан жазо турини ва миқдорини белгилашда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин эмас. Айни пайтда, судланувчи ҳаққоний кўрсатмалар бериш билан адолат қарор топишига кўмаклашса, бу суд томонидан енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ёки айборнинг кўмаги даражасига қараб, унинг шахсини ижобий тавсифловчи ҳолат сифатида эътиборга олиниши лозим бўлади. Айборнинг шахсини таҳлил қилганда суд жазо қўллаш жараёнида уларнинг мажмуини ўрганиб чиқиши шарт. Шу вақтнинг ичida нафақат айбор ҳақида маълумотни, балки жабрланувчи ҳақида маълумотни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки улар ўзаро муносабатларининг таҳлили ва объектив баҳоси адолатли ҳукм чиқаришга ёрдам беради.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, суд томонидан жазо тайинлаш вақтида инобатга олинган шахснинг барча белгилари ҳукмда акс эттирилиши керак, бунда, жазо тайинлаш вақтида айборнинг шахси инобатга олинган деб кўрсатишнинг ўзи етарли бўлмайди. Хусусан, “судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, шунингдек, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиши лозим”.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 54-моддасида жазо тайинлашнинг умумий асослари назарда тутилган бўлиб, суд ҳар бир жиноят иши бўйича жазо тайинлаш вақтида амал қилиши лозим бўлган умумий мезонлар мустаҳкамланган.

Суд жазо тайинлаш вақтида ҳар бир жиноят иши бўйича юқоридаги моддада белгиланган жазо тайинлашнинг умумий асослари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига, агарда ушбу асослар мавжуд бўлса, уларни ҳисобга олиш масаласига алоҳида эътибор бериши талаб этилади.

Бундан ташқари, Жиноят кодекси 54-моддасининг иккинчи қисмида жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлар белгиланган. Яъни суд жазо тайинлашда:

- содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси;
- содир этилган қилмишнинг сабаблари;
- етказилган заарнинг хусусияти ва миқдори;
- айборнинг шахси;
- жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Демак, Жиноят кодекси 54-моддасининг иккинчи қисмига асосан, суд жазо тайинлашда **жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳам ҳисобга олади**. Жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва айборнинг шахси билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг аниқ ифодаланиши ҳамда суд ҳукмида тўғри баён қилиниши шахсга нисбатан адолатли

жазо тайинланишига хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, қонун чиқарувчи мазкур ҳолатларни жиноятчининг шахси, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини белгиловчи жиҳатлардан бири сифатида белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 3-сонли қарорининг 3-бандига асосан, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовузнинг обьекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмишнинг содир этилиш ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари, жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади.

Шунингдек, тайинланадиган жазо тури ва меъёри айбдорнинг шахсини тавсифловчи обьектив ва ижтимоий омилларга ҳам боғлиқ.

Маълумот учун: Объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати; ижтимоий омилларга – судланганлиги, оиласдаги, жамиятдаги хулқ-автори, машғулоти, шахсий ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к. лар киради.

Демак, мазкур кўрсатиб ўтилган ҳолатлар ҳам, албатта, жиноятларнинг олдини олишда муайян аҳамиятга эга. Чунки айбдорнинг шахсини тавсифловчи обьектив ва ижтимоий омиллар жазо тури ва меъёрини белгилашда ҳисобга олинади.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида жазо тайинлашнинг умумий асослари таърифи ҳамда уларни жиноятларнинг олдини олишдаги аҳамияти мавжуд эмас.

Шунга кўра, мазкур ҳолат юзасидан жиноят ҳукуқи назариясида турли хил фикрлар билдирилади.

Масалан, **Л.А. Прохоров** эса жазо тайинлашнинг умумий асосларини “Жиноятнинг обьектив ва субъектив хусусиятларига, шунингдек, жиноятчининг шахсига мос келадиган жазо чорасини белгилашнинг умумий қоидаси” [2, Б.13-14], деб тушунтиришга ҳаракат қилган.

С.В. Бородин жазо тайинлашнинг умумий асосларини суд томонидан ҳар бир судланувчининг аниқ бир жинояти бўйича жазо тайинлашда қўлланилиши керак бўлган мезонлардан иборат деб ҳисоблайди [3, Б.409].

Демак, жиноят ҳукуқи назариясида жазо тайинлашнинг умумий асосларига нисбатан соҳа мутахассислари томонидан турлича қарашлар илгари сурилган. Умумий маънода жазо тайинлашнинг умумий асослари деб, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо чорасини белгилашнинг умумий қоидаси тушунилади. Чунки жазо тайинлашнинг умумий асослари жазо тайинлашда суд томонидан амал қилиниши лозим бўлган қоидаларни ўзида ифола этади. Судлар ҳар бир жиноят иши бўйича мазкур қоидаларга асосан жазо тайинлади. Бундан ташқари, баъзи бир муаллифлар жазо тайинлашнинг умумий асосларини жиноят учун жазо тайинлаш принциплари билан бир хил тушунча деб ҳисоблашади.

Илмий адабиётларда жазо тайинлашнинг умумий асослари ва жазо тайинлаш принциплари бир хил мазмунга эга бўлган тушунчалар эканлиги таъкидланади, чунки жазо тайинлаш асослари жазо тайинлаш принципларининг функцияларини бажаради [5].

Бу билан улар жазо тайинлашнинг умумий асосларини ҳар бир судланувчига тўғри ва адолатли жазо тайинлаш учун суд томонидан жазо тайинлашда эътиборга олиниши ва асосланиши керак бўлган, жиноят қонунчилигида ёки жиноят хуқуқи нормаларида мустаҳкамланган таянч ғоялар сифатида баҳолаб, уларнинг боғлиқлигини таъкидлашади.

Мазкур вазиятда жазо тайинлашнинг умумий асослари ҳақида А.С. Якубов ва бошқалар томонидан илгари сурилган қарашларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

“Жазо тайинлашнинг умумий асослари жиноят қонуни хужжатларининг қоидаларидан келиб чиқувчи ва Жиноят кодекси принципларига асосланган хуқуқий кўрсатмалар тизими бўлиб, суд улар асосида жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахсга нисбатан тайинланадиган жазонинг тури ва миқдорини белгилайди” [6, Б.330]. Ушбу таърифдан ҳам кўриниб турибдики, А.С. Якубов ва бошқалар томонидан жазо тайинлашнинг умумий асослари ҳақида билдирилган фикр ҳақиқатга яқинроқ ҳисобланади. Чунки судлар жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан тайинланадиган жазонинг тури ва миқдорини жазо тайинлашнинг умумий асосларидан келиб чиқиб белгилайдилар.

Бизнинг фикримизча, жазонинг адолатлилиги жазо тайинлашнинг умумий асослари тизимининг элементи эмас. Чунки адолат умуман жиноят хуқуқининг принципидир. Шунинг учун унга жазо тайинлашнинг умумий асослари сифатида қўшимча мақом бериш мақсадга мувофиқ эмас.

Баъзи бир муаллифлар жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатларнинг ҳар бирiga жазо тайинлаш умумий асосларининг мустақил элементи сифатида қарайдилар [7, Б.29-33].

Биз ҳам мазкур фикрга қўшилган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, суд жазо тайинлашда юқорида кўрсатилган ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига, агарда ушбу ҳолатлар мавжуд бўлса, уларни ҳисобга олиш масаласига алоҳида эътибор бериши талаб этилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қонун чиқарувчи жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлар ичida содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга устун мавқени берган. Чунки бу жазо тайинлашда шахс хуқуқини ҳимоя қилиш чораларини қўллаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни таснифлашда уларни жиноят таркибининг у ёки бу элементига (томонига) тегишлилигига қараб таснифлаш тўғрисида кўпчилик олимлар фикр билдирганлар [8, Б.12].

В.Н. Воронин барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштируvчи ҳолатларни икки гурӯхга бўлган:

- 1) жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига таъсир қиласидиган ҳолатлар;
- 2) жиноятчи шахси билан боғлиқ бўлган ҳолатлар [9, Б.55].

Б.С. Тасаков енгиллаштируvчи ҳолатларни қуйидагича таснифлаган:

- 1) жиноят субъектининг шахсини тавсифловчи енгиллаштируvчи ҳолатлар;
- 2) жиноий ҳаракатнинг муайян қилмиш ёки шароит натижасида содир этилганини тавсифловчи енгиллаштируvчи ҳолатлар;
- 3) айбдорнинг жиноят содир этилганидан кейинги ижобий хулқ-атворини тавсифловчи енгиллаштируvчи ҳолатлар [10, Б.90].

Жазо тайинлашнинг умумий асослари тизимида жазони енгиллаштируvчи ҳолатларнинг тутган ўрни адолатли жазо тайинлашда ҳам намоён бўлади.

Жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлардан бири сифатида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш адолатли жазо тайинлашга хизмат қиласи [10, Б.154-158].

Хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчилигидағи жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатларни кузатар эканмиз, улар доираси турличалигига гувоҳ бўламиз.

Жумладан, РФ Жиноят кодексининг 60-моддасида жазо тайинлашнинг умумий қоидалари белгиланган бўлиб, унга кўра суд жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характеристири, айборнинг шахси, шу жумладан, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни, шунингдек, маҳкумнинг оиласи ҳаётини эътиборга олиб жазо тайинлайди.

Грузия Жиноят кодексининг 53-моддасида жазо тайинлашнинг умумий қоидалари белгиланган бўлиб, унга кўра жазо тайинланганда жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлари, содир этилган жиноятнинг мотиви ва мақсадлари, аниқланган ҳуқуққа қарши ирода, айборнинг жабрланувчи билан ярашганлиги, биринчи навбатда етказилган зарарни қоплаганлиги, айборнинг содир этган қилмишидан кейинги хулқи, айборнинг олдинги ҳаётидаги шахсий ва иқтисодий шароити, мажбуриятларнинг бузилиш чоралари ва характеристири, турлари, усуслари ва ҳуқуққа қарши ҳаракатни амалга ошириш натижаси эътиборга олиниши белгиланган.

Украина Жиноят кодексининг 65-моддасига биноан, жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг оғирлик даражаси, айборнинг шахси ва жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олинади.

Беларуссия Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасида эса, суд жазо тайинлашда жазони индивидуаллаштириш принципидан келиб чиқиб, яъни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характеристири, қилмишнинг мотиви ва мақсади, айборнинг шахси, етказилган зарар миқдори, жазоннинг оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлари, иш бўйича жабрланувчининг айбланувчи ҳақидаги шахсий фикри ҳисобга олинниб, ҳукмда танланган жазо чораси асослаб берилади.

Испания Жиноят кодексининг 260-моддасига кўра, жазо тайинлашда заарнинг қиймати, кредиторларга етказилган зарар миқдори ва уларни иқтисодий ҳолати ҳисобга олиниши керак. Бундай ҳолларда суд ёки трибунал қилмишнинг оғирлиги ва ҳуқуқбузарнинг шахсий аҳволини, шахснинг олдинги ҳаётини ҳисобга олади.

Швеция жиноят қонунчилигига кўра, суд жиноятнинг жиноий аҳамиятидан ташқари, жазони қуйидагиларга мос равишда белгилашни ҳисобга олиши лозимлиги қайд этилган:

- жиноят натижасида айбланувчи оғир тан жароҳати олган ёки йўқлигини;
- айбланувчи кимгadir қарам бўлган ҳолда жиноят содир этганлиги, шунингдек, жиноят натижасида етказилган зарарни чегараси ёки жиноятни олдини олиш учун қилган ҳаракатини;
- айбланувчи ихтиёрий равишда ўзининг жиноий ҳаракатларини фош қилганлигини;
- айбланувчини жиноят натижасида қийналганлигини ҳис қилганлигини ёки корхона фаолиятини амалга оширганда ёхуд асосий оғир ишларни бажаришда ёки бошқа ихтилофларга дуч келганда, ишдан четлаштириш натижасида қийналганлигини ҳис этишини етарли даражада асосли деб топганини.

Демак, гувоҳ бўлганимиздек, хорижий давлатлар жиноят қонунчилигига жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлар турлича бўлиб, бунда асосан давлатнинг ривожланиш даражаси, қайси ҳуқуқ оиласига мансублиги, миллий қонунчиликнинг



умумий хусусияти, муайян миңтақада жойлашганлиги каби омиллар таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддасига биноан эса, суд содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган заарнинг хусусияти ва миқдорини, айборнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда жазо тайинланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасида жазо тайинлашнинг умумий асослари белгиланганлигини юқорида таҳлил қилиб ўтдик.

Бизнинг фикримизча, жазо тайинлашнинг умумий асослари тизимида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг тутган ўрни ва аҳамияти қуидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, иккита шахс томонидан жиноятнинг тури ва ижтимоий хавфилик даражаси бир хил бўлган жиноят содир этганлиги учун уларга нисбатан жазо тайинлаш вақтида намоён бўлади.

Мисол учун, иккита шахс ўғирлик жиноятини содир қилишда айбланаётган, бири қимор ўйинида ютқазиб қўйган пулни тўлаш учун, иккинчиси эса муҳтоҷлиқдан, яъни оғир касал бўлган онасига дори сотиб олиш учун ўғрилик қилган ёхуд ўғрилардан бири вояга етмаган, иккинчиси эса хавфли рецидивист бўлса, уларга нисбатан бир хил жазо тайинлаш, қонуннинг адолат принципларига ҳам, инсонпарварлик принципига ҳам зид бўлади.

Ўз-ўзидан жиноят содир қилган барча шахсга ҳам бир хил жазо тайинлаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки жиноят содир этишда айбнинг шакли, қилмишнинг ижтимоий хавфилик даражаси, жиноят содир этиш усули ва сабаблари, жиноят содир қилишда иштирок этганлик даражаси, шунингдек, жиноят содир қилган шахснинг ижтимоий хавфилиги (хавфли ёки ўта хавфли рецидивистлиги) ва бошқа қатор ҳолатлар ҳам мавжудки, ушбу ҳолатлар бир хил турдаги иккита жиноят содир этган иккита шахсга нисбатан айнан бир хил жазо тайинлаш имконини бермайди [12, 3-б]. Бундай ҳолатларнинг жиноят қонунида мустаҳкамланиши мазкур жиноят қонунида қанчалик даражада одиллик принципининг таъминланганлигидан далолат беради.

Иккинчидан, судланувчининг ёши ва жинси, унинг меҳнатга лаёқатлилик даражаси ва соғлигини (аёлларнинг ҳомиладорлигини) ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлаш жараёнида аҳамиятли ҳисобланади.

Масалан, Жиноят кодекси 55-моддаси биринчи қисмининг “з” бандида ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири сифатида белгилаб қўйилганлиги ҳам адолатли жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг адолатли жазо тайинлаш мезонларидан бири сифатида судланувчининг ёши нуқтайи назаридан таҳлил этадиган бўлсақ, Жиноят кодекси 55-моддаси биринчи қисмининг “ж” бандида вояга етмаганнинг жиноят содир этиш ҳолати кўрсатиб ўтилган. Мазкур ҳолат жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири сифатида ҳисобга олинадиган бўлса, мазкур енгиллаштирувчи ҳолат ҳам адолатли баҳоланиши лозим.

Юқоридаги таҳлил натижалари юзасидан жиноят ҳуқуқи назарияси ва қонунини такомиллаштириш мақсадида қуидаги тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1) айрим чет эл давлатлари жиноят қонунчилигини таҳлил қилиш асосида Жиноят кодекси 54-моддаси иккинчи қисмига қўйидаги ҳолатларни ҳам жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлар сифатида киритиш таклиф этилади:

- а) айбдор шахснинг жиноят содир этганидан олдинги ҳамда кейинги хулқи;
- б) тайинланган жазонинг маҳкум оиласи ёки унинг қарамоғидаги шахсларнинг яшаш шароитларига таъсири.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда илғор ҳалқаро стандартлар ва хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни янада такомиллаштириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, амалиётда юзага келаётган муаммоларга ечим топишга ҳамда шахсга нисбатан адолатли жазо тайинлаш орқали жиноятларнинг олдини олишга хизмат қиласи.

REFERENCES

1. Rustambayev M.H. Ўzbekiston Respublikasining Zhinojat kodeksiga sharx (Қажта ishlangan va tÿldirilgan ikkinchi nashri. 2016 jil 1 nojabrgacha bÿlgan ўzgartirish va kÿshimchalar bilan) [Commentary to the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan (Revised and supplemented second edition. With amendments and additions until November 1, 2016)]. General part. Tashkent, Adolat, 2016, p. 387.
2. Prohorov L. A. Obshchie nachala naznachenija nakazanija i preduprezhdenie recidivnoj prestupnosti [General principles of sentencing and prevention of recidivism]. Omsk, 2009, pp. 13-14.
3. Ugolovnoe pravo Rossii. Obshhaja chast' [Criminal law of Russia. General part]. Ed. V.N. Kudryavtseva, V.V. Luneeva, A.V. Naumova. Moscow, 2004, p. 409.
4. Ugolovnoe pravo Rossijskoj Federacii. Obshhaja chast' [Criminal law of the Russian Federation. General part] Ed. L.V. Inogamova-Khegai, A.I. Raroga, A.I. Chuchaeva. Moscow, 2005, p. 407.
5. Tatarnikov V. G. Nakazanie i ego naznachenie. Ucheb. posobie [Punishment and its purpose: textbook. allowance]. Irkutsk, 2003.
6. Jakubov A., Kabulov R. va boshqalar. Zhinojat ҳуқуқи. Umumij қism [Criminal law. General section]. Tashkent, MIA Academy. 2005, p. 330.
7. Tashhilin M. T. Problemy ucheta sudom obshhih nachal naznachenija nakazanija [Problems of accounting by the court of general principles of sentencing]. Ros. justicija – Russian justice, 2014, no. 2, pp. 29-33.
8. Karpec I.I. Individualizacija nakazanija [Individualization of punishment]. Moscow, 1961, pp. 101-102.
9. Kadyrov A.V. Obstojatel'stva, otjagchajushchie nakazanie. Avtoref. dis. kand. jurid. nauk [Circumstances aggravating the punishment. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Tashkent, 1997, p. 12.
10. Ivanov A.G. Smjagchajushchie otvetstvennost' obstojatel'stva v sovetskom ugolovnom prave: Avtoref. dis. kand. jurid. nauk [Mitigating circumstances in Soviet criminal law. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Moscow, p. 12.
11. Voronin V.N. Individualizacija nakazanija: ponjatie, kriterii, znachenie. Dis. dokt. jurid. nauk [Individualization of punishment: concept, criteria, meaning. Dissertation of Doctor of Law]. Moscow, 2015, p. 55.



12. Tasakov V.S. Osnovanija smjagchenija ugodovnogo nakazanija: voprosy teorii i praktiki. Dis. kand. jurid. nauk [Grounds for mitigating criminal punishment: questions of theory and practice. Dissertation of Doctor of Law]. Cheboksary, 2018, p. 90.

13. Makhmudov S.A. To take into account mitigating circumstances when imposing punishment as one of the criteria for imposing a fair penalty. Progressive technologies in the global scientific space, 2020, pp. 154-158.

14. Maxmudov S. Some features of to take into account mitigating circumstances for imposing a fair penalty. Scientific and practical research, 2020, no. 11-2 (34).

KRIMINOLOGIYA VA JINDOIY ODIL SUDLOV

ILMIY-AMALIY JURNAL

2021/1-2

MUASSIS: TOSHKENT DAVLAT YURIDIK UNIVERSITETI

BOSH MUHARRIR:

Q. Abdurasulova

Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat huquqi, kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish" kafedrasi professori, yuridik fanlar doktori

BOSH MUHARRIR:

Y. Kolenko

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi Akademiyasi boshlig'i

BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI

N. Salayev

Toshkent davlat yuridik universiteti Ilmiy ishlari va innovatsiyalar bo'yicha prorektori, yuridik fanlar doktori, professor

Mas'ul muharrir: K. Hakimov

Muharrirlar: Sh. Jahonov, Y. Yarmolik

Texnik muharrirlar: U. Sapayev, D. Rajapov

Tahririyat manzili:

100047. Toshkent shahar, Sayilgoh ko'chasi, 35.

Tel.: (0371) 233-66-36, 233-41-09.

Faks: (0371) 233-37-48.

Web-sayt: www.tsul.uz

E-mail: iztdyu@mail.ru

Jurnal 2022-yil 23-fevralda tipografiyaga topshirildi.

Qog'oz bichimi: A4.

Shartli 23,52 b.t. Adadi: 100. Buyurtma: № 5.

TDYU tipografiyasida chop etildi.

ISSN 2181-2179
© Toshkent davlat yuridik universiteti